

SCOPE ACADEMIC HOUSE

11th International Conference
«SCIENCE AND PRACTICE: A NEW LEVEL OF INTEGRATION
IN THE MODERN WORLD»

November 30, 2020, Sheffield, UK

Conference Proceedings



SCOPE ACADEMIC HOUSE

B&M PUBLISHING

11th International Conference
«SCIENCE AND PRACTICE: A NEW LEVEL OF INTEGRATION
IN THE MODERN WORLD»

September, 10 - November, 30, 2020, Sheffield, UK

Conference Proceedings

Scope Academic House
UK, S Yorkshire, Sheffield

B&M Publishing
USA, San Francisco, California

SCOPE ACADEMIC HOUSE

B&M PUBLISHING

11th International Conference
«SCIENCE AND PRACTICE: A NEW LEVEL OF INTEGRATION
IN THE MODERN WORLD»

Science editor: Prof. Robert Draut

Copyright © 2020
by Scope Academic House LTD
Office 1 Velocity tower
10 st. Mary's gate
Sheffield
S Yorkshire
United Kingdom
S1 4LR

ISBN 978-0-9898799-4-2

DOI: http://doi.org/10.15350/UK_6/11

All rights reserved.

Published by B&M Publishing.
For permission to use material from this
text, please contact the publisher at
2076 – 16th Ave., Suite A,
San Francisco, California, USA 94116,

11th International Conference. September, 10 - November, 30, 2020.
UK, S Yorkshire, Sheffield

«SCIENCE AND PRACTICE: A NEW LEVEL OF INTEGRATION
IN THE MODERN WORLD» • Conference Proceedings

DOI: http://doi.org/10.15350/UK_6/11

CONTENTS

<i>L.S. Elibayeva, I.B. Farmonova</i> THE ROLE OF MORALS IN THE UPBRINGING OF CHILDREN IN THE FAMILY	6
<i>H.A. Safoyev</i> TECHNOLOGIES OF EDUCATION OF STUDENTS IN THE SPIRIT OF MILITARY PATRIOTISM	8
<i>A.A. Valiyev</i> MILITARY-PATRIOTIC EDUCATION	10
<i>U.I. Mamurov</i> PRINCIPLES OF SCIENCE AND OBJECTIVITY IN MILITARY-PATRIOTIC EDUCATION.	12
<i>S.M. Imomova, F.N. Safoyeva</i> METHODS OF CRYPTOGRAPHIC PROTECTION OF INFORMATION	14
<i>A. Altinbaeva</i> DISTANCE LEARNING TECHNOLOGIES AND ORGANIZATION METHODS	16
<i>Sh.E. Nosirova, Z.E. Nosirova</i> DISTANCE LEARNING TECHNOLOGIES AND ORGANIZATION METHODS	18
<i>M.M. Sattorova, N.N. Turayeva</i> REASONS FOR SOIL EROSION AND ITS PREVENTION MEASURES.....	20
<i>I.R. Xoligov</i> THE IMPORTANCE OF ARTISTIC LITERATURE IN THE MILITARY-PATRIOTIC EDUCATION OF YOUTH	22
<i>V.T. Samadov</i> THE ROLE OF SCIENCE IN MILITARY-PATRIOTIC EDUCATION, IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS.....	24
<i>F.B. Raximov, Sh.J. Shomurodov</i> ROLE OF LITERATURE, FILM, THEATER AND FINE ARTS IN THE MILITARY- PATRIOTIC EDUCATION OF STUDENTS.....	26
<i>E.Sh. Niyazov</i> FEATURES OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES.....	28
<i>A.M. Usogov, O.O. Yuldoshev</i> CREATIVE OPPORTUNITIES OF TEACHERS.....	30
<i>F.M. Oripova, N.G. Ikromova</i> FOUNDATIONS FOR FUTURE CHILD TRAINING	32
<i>Sh.N. Abduraxmanov</i> THE ROLE OF THE PEDAGOGICAL STAFF IN THE TRAINING OF MILITARY PATRIOTISM IN STUDENTS	34
<i>T.T. Nazarov, K.K. Jurabayev</i> THE NEED TO TRAIN STUDENTS FOR CIVIL PROTECTION	36
<i>L.F. Karimova, S.M. Gafarova</i> PEDAGOGICAL ASPECTS AND FEATURES OF THE USE OF AVICENNA'S TEACHING IN BIOLOGY LESSONS.....	38
<i>U.X. Temirov</i> PEDAGOGICAL SIGNIFICANCE OF THE USE OF MODERN INFORMATION	

Research Article

**PEDAGOGICAL ASPECTS AND FEATURES OF THE USE OF
AVICENNA'S TEACHING IN BIOLOGY LESSONS**

L.F. Karimova¹

S.M. Gafarova²

¹Lecturer, Department of biology, faculty of agronomy and biotechnology, Bukhara state University, Uzbekistan.

²Lecturer, Department of biology, faculty of agronomy and biotechnology, Bukhara state University, Uzbekistan.

DOI: http://doi.org/10.15350/UK_6/11.17

Abstract

The article discusses the effectiveness of using Avicenna's views in biology lessons.

Key words: subject of biology, lessons, curriculum, use, result, nature, man, health, knowledge, formation, education, skill.

Глобаллашув даврининг энг муҳим муаммоларидан бири – талабаларни инсон саломатлиги ва табиатга оид хавфни бартараф этишга имкон берувчи билимлар билан қуроллантиришдир. Шу жумладан, биология дарсларида талабаларни Ўрта Осиё алломаларининг инсон саломатлиги ва табиатни асрашга оид қарашлари билан таништириш муҳим аҳамиятга эга. Талабалар онғида Ўрта осиелик буюк алломаларнинг инсон саломатлиги ва табиатни асрашга оид қарашларига асосланган билимларни ҳосил қилиш уларда атроф-муҳит, табиатга масъулиятли муносабатда бўлиш кўникмаларини тарбиялайди. Талабаларга биология дарсларида инсон саломатлигига оид билимларни беришда Ўрта Осиё алломаларининг инсон ва табиатга оид ғояларидан фойдаланишда икки муҳим ҳолат юзага келади:

1) улар инсон саломатлигига оид ғояларни ифода этувчи намуналари билан танишадилар;

2) уларда атроф-муҳит ҳолатини яхшилашга масъулиятли бўлиш, табиатни асраб-авайлаш тўғрисидаги билим ва кўникмаларни ўзлаштирадилар.

Талабаларда инсон саломатлиги ва табиатни асрашга оид тушунчаларни шакллантиришда Абу Али ибн Сино асарлари методологик аҳамиятни касб этади. Аллома томонидан яратилган асарларнинг сони 450дан ортиқ бўлиб, уларнинг 80 дан ортиғи табиат ва инсоннинг унга бўлган муносабати масаласига бағишланган.

Абу Али ибн Синонинг ер юзасидаги табиий жараёнлар даврлар ўтиши билан ўзгаришига оид ғоялари биология фанининг ривожини учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, ташқи муҳитнинг киши организмга кўрсатадиган таъсири, инсон саломатлигини сақлаш, парҳез, шахсий гигиена тўғрисидаги масалалар аллома томонидан яратилган «Тиб қонунлари» асарига сингдирилган муҳим ғоялар сирасига киради. Алломанинг инсон танасида касалликларни келтириб чиқарувчи омиллардан бири сув, ер ва ҳавода мўътадилликнинг бузилиши билан боғлиқлиги, яшаш жойларининг торлиги, озода бўлмаслиги, юкмули (мохов, чечак, вабо иситмаси, йиринг, тошма каби) касалликларнинг тез тарқалиши учун қулай шароит яратиши, юкмули касалликларнинг аҳоли зич жойлашган жойларда ҳаво ва бошқа омиллар орқали юқиниши доир илмий хулосалари, ҳозирги даврда ҳам муҳим иқтимоий, тарбиявий аҳамиятга эгадир. Мутафаккирнинг «Агар ҳавода чанг ва ғубор бўлмаганида эди, инсоннинг йил умр кўрган бўлар эди» деган машҳур фикри эса талабаларда ҳавони

ифлослантирмаслик, атроф-муҳитни озода сақлаш ва табиатга зиён етказмасликга оид кўникма ва малакаларга эга бўлишларига ёрдам беради. Олимнинг фикрича, инсон табиатан моддий ҳаёт манбаларини ўзлаштирибгина қолмай, балки руҳий ва жисмоний қувват ҳам олади. Шунингдек, мутафаккир айрим касалликларни даволашда табиий манбалар, хусусан, қум, тупроқ, сув ва ўсимликлардан самарали фойдаланиш зарурлигини уқтириб, илмий асосланган тавсиялар беради. Ибн Сино «Тиб қонунилари» асарида касалликларни даволаш, улардан фориғ бўлиш усулларини кўрсатган ва бу жараёнда инсон саломатлиги учун жисмоний тарбиянинг аҳамиятини ҳам асослаб берган. Аллома ўсимликда соғлигини сақлашнинг энг муҳим омиллари сифатида қуйидагиларни эътироф этган: бадантарбия; тўғри овқатланиш ва дам олиш; етарли ва самарали бўлган уйку.

Мутафаккир бадантарбияни кишининг ёши, саломатлиги ва касаллиги ҳолатини ҳисобга олиб, турли усулларда ўтказиш кераклигини таъкидлайди. Айниқса, болалик, ўсмирлик, йигитлик ва қарлик даврида инсон жисмоний машғулотларга турлича муносабатда бўлиш керак. Ибн Сино таъкидлайдики, «Жисмоний машқ кишининг кетма-кет чуқур нафас олишига мажбур қиладиган ихтиёрий ҳаракат» эканлигини қайд этган ҳолда мунтазам равишда бадантарбия билан шуғулланган кишига дард яқин йўламаслиги, табибга ҳам, дори-дармонга ҳам муҳтожлик сезмаслигини қайд этади. Аллома болалар томонидан бадантарбия бажарилаётган жараёнда қуйидаги уч ҳолатга алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлайди:

1. Терининг рангига – агар у яхшилана борса, машқларни давом эттириш мумкин, агар тер чиқа бошласа, ҳаракатни тўхтатиш лозим.

2. Машқларнинг энгиллигига – жисмоний машғулот давомида киши танаси энгил бўлиб турса машқни давом эттириш мумкин.

3. Аъзоларнинг ҳолатига – агар уларнинг кўпчиши давом этса, машқни давом эттириш мумкин, агар кўрсатилган белгилар йўқола борса, машқни дарҳол тўхтатиш керак. Улуғ алломанинг бадантарбияни самарали ва узлуксиз ташкил этишга оид тавсиялари билан талабаларни таништириш ва уларда жисмоний фаоллик, бадантарбия кўникмаларини шакллантириш уларнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишларига ёрдам беради. Абу Али ибн Сино бадантарбиянинг турли кўринишлари ва улардан инсон саломатлигини мустаҳкамлашда қандай фойдаланиш йўллари ҳам кўрсатиб берган. Мутафаккирнинг фикрича, бадантарбия билан шуғулланишда яна қуйидаги шартларга ҳам риоя қилиш зарур: қишда уйни ўртача ҳароратда иситиш, машқларни овқат ҳазм бўлгач амалга ошириш тиббий жиҳатдан тўғри саналади. Дарёда суҳбат ташкил этилиб, унда ўқитувчи кўргазмали қуроллар ёрдамида талабаларга нафас олиш органлари, ўпка ва унинг вазифалари ҳақидаги маълумотларни беради. Талабалар саломатлигини муҳофаза қилишнинг самарали йўлларида яна бири – турли зарарли одатларни ўзлаштирмаслик (масалан, спиртли ичимликлар ва наркотик моддаларни истеъмол қилмаслик, тамаки маҳсулотларини чекмаслик) зарурлиги талабаларга алоҳида уқтирилади. Зарарли одатлар инсон организмда турли касалликларни келтириб чиқаришига алоҳида урғу берилади.

References:

Алиқулова М.М. Бўлажак ўқитувчиларда экологик маданиятни шакллантириш (Ўрта Осиё алломаларининг экологияга оид қарашлари асосида). Монография. – Т.: «Фан», 2010. -117б.